# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2019 йил 17 сентябрь
сешанба
№ 37 (1189)

www.insonvaqonun.uz
insonvaqonun@adliya.uz
facebook.com/ivquz/
telegram.me/ivquz



**САҲИФАЛАРДА:**



**Атом энергияси тўғрисидаги Қонун: 10 та афсона ва ҳақиқат** 3-с.



**Жаҳоннинг энг бой кишилари ўз фарзандларини гаджетлардан ҳимоя қилмоқда** 5-с.



**Озон қатлами нурланишдан асрайди** 6-с.


## "БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ" МЕГАТАНЛОВИ

### Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак



**"Энг яхши журналистик материал учун" номинацияси**



**"Энг яхши блогпост учун" номинацияси**



**"Энг яхши юмористик асар (карикатура, ҳажвия ва ҳоказо) учун" номинацияси**



**"Энг яхши видеоролик сценарийси учун" номинацияси**



**"Энг яхши флаер, буклет, баннер, плакат учун" номинацияси**



2-с.

**ШАФФОФЛИК, очиқликни ўз иш фаолиятида бош мезон ҳисоблаган Адлия вазирлиги томонидан коррупцияга қарши курашга чорловчи мегатанлов якуни эълон қилинди. Танлов ғолиблари 5 та номинация, яъни "Энг яхши журналистик материал учун", "Энг яхши блогпост учун", "Энг яхши юмористик асар (карикатура, ҳажвия ва ҳоказо) учун", "Энг яхши видеоролик сценарийси учун", "Энг яхши флаер, буклет, баннер, плакат учун" йўналишларида тақдирланди. Вазирликда мазкур мегатанлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**




> — Коррупция — тараққиётга ғов бўлувчи хавфли иллатдир. Унга қарши кураш ҳар доим қатъият билан олиб борилиши лозим. Хусусан, вазирлик ўз тизимида коррупцияга қарши кураш эълон қилган. Бугун бу йўналиш бўйича иккинчи фаза иш бошлади. Ушбу курашда коррупцияга қарши тарғибот алоҳида ўрин тутади. Бугун мегатанлов ўтказиб, шов-шув кўтаришдан йироқмиз. Танловнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Бу мегатанлов инсонларнинг қалбида коррупцияга нисбатан нафрат уйғотишга, жиноятни фош этишга, келиб чиқиш сабаблари билан курашишга, салбий оқибатлари хусусида жамият аъзоларига тегишли сигналлар бериш ҳамда коррупцияни фош этишда ўзларининг саъй-ҳаракатларини аямаётган, жамият аъзоларини огоҳликка чорлаётган ватандошларимизни рағбатлантиришга қаратилган

# "Биз коррупцияга қаршимиз" мегатанлови

## Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак

Мегатанлов Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда қатнашиш учун 70 нафар иштирокчидан 400 га яқин ижодий иш тақдим этилди.

— Танлов йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Шерзод Рабиев. — Ёдингизда бўлса, ўтган йили биз учта номинация бўйича танлов эълон қилган эдик. Бу йил номинациялар сони бештага етди, яъни энг яхши ҳажвий асар ва энг яхши тасвирий материал номинациялари қўшилди. Ўтган йилги "энг яхши ижтимоий ролик" номинацияси бу йил "энг яхши ижтимоий ролик сценарийси" тарзида эълон қилинди. Чунки ролик олиш бир қадар мураккаб ва кўп ресурс талаб қиладиган жараён бўлгани сабабли, унда иштирок этувчиларнинг имкониятлари бир қадар чекланиб қолган эди. Биз роликнинг ғояси муҳим, деб ҳисобладик. Шу сабабли роликнинг ўзини эмас, сценарийсини юборишларини истадик. Албатта, ғолиб бўлган сценарий асосида ролик олинишига ҳамкорлик қилишни назарда тутганмиз.

Маълумки, бу иллат домига дучор бўлган мулозимларни жазога тортиш билан порахўрлик йўқолиб қолмайди. Шу боисдан ҳам бу хавфли иллатларнинг оқибатларини ёш авлод онгига сингдириб бориш, жамиятда коррупция ва порахўрликнинг батамом йўқолишига замин ҳозирлайди.

Номинациялар ғолиблари ичида ёш авлод вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Бу ҳам жамиятда, айниқса, ёшлар онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат тобора кенгроқ шаклланиб бораётганидан далолатдир. Қувонарлиси, ушбу зарарли, жирканч иллатга қарши ўсиб келаётган ёш авлодда ўзига хос фуқаролик позицияси, тоқатсизлик ва муросасизлик мавжуд.

— Назаримда, коррупция билан курашишда ёзувчилар, ижодкорлар, журналистлар бирлашиши керак. Бу борада, ҳатто ҳуқуқ-тартибот органларидан анча ортда қолаётганимиз ҳам рост. Масалан, ўтган йили 1100 дан ортиқ коррупционерлар суд қилинган. Ушбу суд ҳукмларининг ўзи ҳар биримиз учун материал эмасми-ди? Нега биронта коррупционерни фельетон қилиб ёзмаяпмиз? Уларнинг жиноятини шундай таъсирчан қилиб ёзайликки аҳоли, кенг жамоатчилик бундан хабар топсин. Ўша пулни олаётган ёки олишга ҳозирланган одамлар уялсин. Қўни-қўшнисидан, фарзандларидан. Ҳалол яшашга ўргансин, — деди "Энг яхши блогпост учун" номинацияси ғолиби Тўлқин Эшбеков.

Шунингдек, — Одамларга визуал кўринишдаги материаллар орқали тарғибот қилиш энг таъсирчан усул ҳисобланади. Бу материаллар ҳамманинг кўзи тушадиган жойларда, ҳатто оёқлари остида ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ. Бугун мен танловга тақдим этган дизайнерлик ишларим ҳам аҳоли гавжум жойлардаги баннерларга жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўйлашимча, минг марта ўқигандан кўра, бир марта кўрган афзал, дегани бежиз эмас. Бу янада самарали бўлар эди", — дея таъкидлади "Энг яхши флаер, буклет, баннер, плакат учун" номинацияси ғолиби Жасурбек Тожибоев.

Тадбирда қатор вазирлик, идоралар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, танлов ғолиблари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Танловнинг ҳар бир номинацияси бўйича ғолиблар Samsung Galaxy S10 (1-ўрин), Notebook (2-ўрин), телевизор (3-ўрин) каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

### НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ:

**"Энг яхши журналистик материал учун" номинацияси ғолиблари:**

1-ўрин: Отабек Сафаров — Ҳуқуқий маълумотлар билан тўғри ишланган ва ўзига хос услубда ёзилган "Қаерда бўлса ҳам... Қанча бўлса ҳам... Кимдан бўлса ҳам" материали учун;

2-ўрин: Маруса Ҳосилова — Коррупциянинг сабаб ва оқибатларини очиб беришга қаратилган "Бешикдан то қабргача... ёки коррупция "пиллапоя"лари", "Ҳеч қачон очилмайдиган жиноятлар ёхуд ёпиғлиқ қозонлар қачон очилади?" каби туркум материаллари учун;

3-ўрин: Ортиқбой Курамбаев — Коррупцияга қарши курашишни ёритишда янгича ёндашуви – "Йигит омон бўлса" эссеси учун.

**"Энг яхши блогпост учун" номинацияси ғолиблари:**

1-ўрин: Тўлқин Эшбеков — Мавзуга ёндашишда узоқ йиллик тажрибага таянилгани ҳамда коррупция ҳолатларини бартараф этишда самарали таклифлар билан чиқилгани жиҳатдан "Қоч, коррупционер келаяпти!" блогпости учун;

2-ўрин: Наргиза Юнусова — "Бефарқ бўлманг! Сиз қайбирини танлайсиз?", "Коррупцияни тугатиш учун бизга нима тўсқинлик қилади?" блогпостлари орқали коррупция манзараларини кенг жамоатчиликка содда ва тушунарли очиб берганлиги учун;

3-ўрин: Азизбек Вафоев — Коррупциянинг жамият равнақига, етук кадрлар шаклланишига салбий таъсири бўйича кузатувлар акс этган "Талаба ва ректор суҳбати" материали учун.

**"Энг яхши юмористик асар (карикатура, ҳажвия ва ҳоказо) учун" номинацияси ғолиблари:**

1-ўрин: Жаҳонгир Исмоилов — Порахўрлик, фирибгарлик, таъмагирлик, қонунни менсимаслик каби иллатлар қаламга олинган ҳамда ўзига хос шакл ва услубда акс эттирилган ҳажвий ҳикоялар тўплами учун;

2-ўрин: Бобур Расулов — Коррупция оқибатлари таъсирчан ва тушунарли талқин қилинган туркум карикатуралари учун;

3-ўрин: Феруза Раҳмонқулова — Материалнинг тил ва услуб жиҳатдан ўқишлилиги билан "Мен пора олмайман!" ҳажвияси учун.

**"Энг яхши видеоролик сценарийси учун" номинацияси ғолиблари:**

1-ўрин: Шокир Ҳолиқов — Ҳолатни ифодалашда бадиий юксак, таъсирчан ёндашилгани жиҳатдан "Коррупция бўлмаганида ҳаммаси бошқача бўларди!" сценарийси учун;

2-ўрин: Нурмуҳаммад Жумағулов — Келажак авлодни ёмон иллатдан ҳимоялашга, уларни асраб-авайлашга қаратилган "Кичкинага катта тарбия" туркум сценарийлари учун;

3-ўрин: Неъматжон Атамуратов — Воқеликлар қиёсан талқин этилган "Келажагингни коррупцияга алмаштирма!" сценарийси учун.

**"Энг яхши флаер, буклет, баннер, плакат учун" номинацияси ғолиблари:**

1-ўрин: Жасурбек Тожибоев — Дизайн ва маълумотлар уйғунлиги жиҳатдан "Фарзандларингиз қувончини порага алмаштирманг!" флаер, буклет, баннер намуналари учун;

2-ўрин: Аслиддин Абдувоитов — Коррупцияга қарши биргаликда курашишни тарғиб қилувчи плакат (рассомлик иши) учун;

3-ўрин: Бекзод Усанов — "Биз коррупцияга қаршимиз!" флаер, буклет, баннер намуналари учун.

ТАҲРИРИЯТДАН МИННАТДОРМАН

### ТАҲРИРИЯТИНГИЗГА НАВОИЙ ШАҲРИДАН ЎЗ МИННАТДОРЧИЛИГИМНИ ЙЎЛЛАЯПМАН

*МЕН Педагогика институтини тамомлаганман. Қўлимда дипломим бор, маълумотим бўлса-да, бир неча ойдан буён ишга жойлашишда муаммоларга дуч келаётган эдим. Мазкур масалада ҳуқуқий маслаҳат олиш учун таҳририят билан боғландим. Қўнғироққа жавоб берган таҳририят масъул ходими Т.Ботиров барча саволларимни тинглаб, улар аниқлик билан жавоб берди ва ишга жойлашишимда қонуний йўл-йўриқ кўрсатди. Уларнинг ҳуқуқий маслаҳатлари туфайли шаҳримиздаги мактабга ишга жойлашдим.*

*Севимли газетам "Инсон ва қонун"! Инсонларнинг дардини тинглаб, уларга ёрдам беришни бош мақсад қилган ҳар бир ходимингиз ҳамиша халқ ардоғида ва эътирофида бўлишини тилайман.*

**Илҳом ҚАҲҲОРОВ,**
**Навоий шаҳри, Нурафшон кўчаси**

# АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН:

# 10 та афсона ва ҳақиқат

**“АТОМ! Атом — бу бомба-ку, домлажон!!!”**

“Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ҳақида сўз очилса, кўпчилик машҳур ҳажв қаҳрамони Мулло Суннатилло ҳолига тушади — қўрқиб кетади.

Ҳар қандай қонун ҳужжати матнини тўлиқ ўқимаслик ёки яхши тушунмаслик нотўғри талқинларга сабаб бўлиши мумкин. Атом энергияси борасида тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун одамлар орасида тарқалган қуйидаги “афсоналар”ни таҳлил қилиб кўрамиз.

**1-АФСОНА: ЎЗБЕКИСТОНДА АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ЙЎҚ**

*Ҳақиқат:* Ундай эмас. Аслида Ўзбекистонни бугунги кунда атом энергиясидан умуман холи ҳудуд, деб бўлмайди. Республикамизда 1959 йилдан буён Ядро физикаси институтида ВВР-СМ тадқиқот реакторидан фойдаланилиб келинмоқда ва ушбу реакторда ҳамда бошқа ишлаб чиқариш объектларида ҳосил бўладиган радиоактив чиқиндилар Бўстонлиқ туманидаги сақлаш пунктига жойлаштирилмоқда. 2019 йилнинг 6 ойи давомида 70 ГБк радиоактивликка эга бўлган 455 та манба сақлаш пунктига жойлаштирилган. Шунингдек, ҳозирда мамлакатимизда 7000 га яқин ионлаштирувчи нурланиш манбалари (рентген аппарати, калибровка ускуналари ва бошқалар) мавжуд. Шундай шароитда атом энергиясидан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Лекин атом энергиясидан фойдаланишни тартибга солувчи махсус қонун мавжуд эмас. Қонун лойиҳаси шу эҳтиёж туфайли ишлаб чиқилган.




**2-АФСОНА: ҚОНУН РОССИЯ АНДАЗАСИДА ЁЗИЛГАН**

*Ҳақиқат:* Аслида қонун лойиҳасини яратишда халқаро тажриба синчиклаб ўрганиб чиқилган. Хусусан, атом энергетикаси соҳасидаги етакчи мамлакатлар — АҚШ, Франция, Россия, Беларусь, Япония, Украина, Чехия, Венгриянинг тажрибаси ўрганилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) томонидан 2 маротаба кўриб чиқилди ва унинг тавсиялари Қонунда инобатга олинди. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг соҳага оид норма ва қоидалари унификация қилинади ҳамда улар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасидаги мажбуриятлари билан мувофиқлаштирилади.

**3-АФСОНА: ҚОНУН БАРИБИР ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАМАЙДИ.**

*Ҳақиқат:* Атом энергетикасини ривожлантириш, хусусан, АЭС қуриш мавзусида асосий хавотир — хавфсизлик масаласи бўлиб турибди. Бу хавфсизликни ким таъминлайди? Унинг кафолатлари қандай? Масъулият кимга юкланади?

Маълумот учун: 2018 йил сентябрь ойида Москва шаҳрида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Халқаро атом энергияси агентлигининг (МАГАТЭ) хавфсизлик бўйича барча талабларига жавоб берувчи қуввати 2 400 МВт бўлган иккита энерго блокидан иборат “3+” авлод атом электростанциясини қуриш тўғрисида битим имзоланди.

“3+” авлод — бу энг сўнгги, инновацион ва хавфсиз атом электростанциялари авлоди бўлиб, бунда АЭСнинг ички ва ташқи таъсирларга максимал даражада чидамлилиги таъминланади.

Қонунда атом энергиясидан фойдаланиш ва хавфсизликни таъминлаш кафолатини давлат ўз зиммасига олмоқда. Шунингдек, соҳани тартибга солувчи (Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказо) ҳамда хавфсизликни таъминловчи давлат органлари (Саноат хавфсизлиги қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқалар) аниқ санаб ўтилмоқда ва уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

**4-АФСОНА: БИРОН ГАП БЎЛСА, ХАЛҚДАН ЯШИРИШАДИ**

*Ҳақиқат:* Бунинг иложи йўқ. Қонунда атом энергиясидан фойдаланиш бўйича тадбирларда фуқаролар, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки белгиланмоқда. Бу эса очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ядро энергияси борасидаги турли хавотирларини бартараф этишга хизмат қилади.

**5-АФСОНА: АЭСДАН БОШҚА ДАВЛАТЛАР ФОЙДАЛАНАДИ**

*Ҳақиқат:* Ундай эмас. Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари давлат мулкида ёки Президент томонидан белгиланадиган юридик шахслар мулкида бўлиши мумкин. Юридик шахсларнинг ядровий материалларни, шунингдек, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини чет давлатга сотиш тўғрисидаги битимлари Президент билан келишилган ҳолда тузилади.

Демак, АЭСнинг биринчи навбатда Ўзбекистон халқи учун ишлаши шахсан Президент томонидан назорат қилинади.

**6-АФСОНА: АЭС — ЭКОЛОГИЯГА ЗАРАР**

*Ҳақиқат:* Нотўғри қараш. Кўпинча АЭСнинг атроф-муҳитга салбий таъсири жуда ошириб тасвирланади. Аслида ҳозирда республикамизда мавжуд табиий энергия манбаларидан фойдаланиш орқали ҳам атроф-муҳитга жиддий зарар етмоқда.

Маълумот учун: Атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилига 3,5 миллиард куб метр табиий газ тежалади. Бу манба қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Атом энергияси экологик тоза бўлиб, станциялар зарарли ис газини ҳосил қилмайди.

Атом электр станциясидан фойдаланиш даврида йилига 14 миллион тоннагача $CO_2$ (ис гази) ва 36 минг тоннагача $NO_2$ газининг атмосферага чиқарилиши олди олинади.



**7-АФСОНА: БОШҚА ДАВЛАТЛАР БИЗГА РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ОЛИБ КИРАДИ.**

*Ҳақиқат:* Қонун бунга йўл қўймайди. Унда ёзилишича, Ўзбекистон ҳудудига фақат ўзимизнинг радиоактив моддаларни, яъни илгари Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилган радиоактив чиқиндилар ва ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғидан олинган маҳсулотларини олиб кириш мумкин.

**8-АФСОНА: КЕЛАЖАКДА БИЗДА ҲАМ ЯДРО ҚУРОЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ МУМКИН**

*Ҳақиқат:* Мумкин эмас. Қонуннинг мақсади, номидан ҳам кўриниб турганидек, атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадида фойдаланиш. Ядровий қурол ва бошқа ядровий портловчи қурилмалар ишлаб чиқариш қатъиян тақиқланган.

**9-АФСОНА: АЭСНИ ҚУРИҚЛАШ БАҲОНАСИДА БОШҚА МАМЛАКАТ ҚЎШИНЛАРИ КИРИТИЛИШИ МУМКИН**

*Ҳақиқат:* Бундай хавотирга ўрин йўқ. 2012 йил 10 сентябрдаги Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясига асосан Ўзбекистон ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини қуришда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимга мувофиқ АЭСнинг жисмонан муҳофазаси Ўзбекистон томонидан амалга оширилади.



**10-АФСОНА: АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БИЗГА КЕРАК ЭМАС.**

*Ҳақиқат:* Афсуски, бу хато фикр. Бугунги кунда республикамизнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжи 69 миллиард кВт/соат бўлса, амалда 64 миллиард кВт/соат энергия ишлаб чиқарилмоқда. 2030 йилга бориб эҳтиёж 117 миллиард кВт/соатга етади. Бу эҳтиёжни қондириш учун турғун ва барқарор энергия ресурсига эҳтиёж бор.

Кўпчилик бу эҳтиёжни бошқа муқобил энергия ресурслари (масалан, қуёш ёки шамолдан олинадиган энергия) билан қондириш мумкин дейди. Лекин ушбу энергия манбалари барқарор эмас, бизга эса ҳозир айнан барқарор энергия манбалари керак. Шунингдек, АЭС қурилиши ортидан Ўзбекистонда атом энергетикаси соҳаси ривожланади, мутахассислар ўқитилади, илмий-тадқиқот институтлари очилади. Қолаверса, АЭС қурилиши ортидан бошқа қайта тикланувчи энергия ресурсларини ривожлантиришга йўл қўйилмайди, улардан тамоман воз кечилади, дейишга ҳам асос йўқ.

**ХУЛОСА**

АЭС камида 60 йиллик барқарор энергия манбаи сифатида Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши учун кучли импульс беради. Оддий фуқаролар ҳаётида эса электр энергияси билан узлуксиз ва барқарор таъминланиш, илмий ишланмаларнинг ривожланиши, маҳсулот хавфсизлигининг таъминланиши каби омиллар натижасида турмуш даражасининг ўсиши кузатилади.

**Ғайбулла ПРИМОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# ОДАМ САВДОСИ ЖАБРДИЙДАСИГА АЙЛАНМАНГ!

ДУНЁДАГИ трансмиллий жиноятларнинг энг хавфлиси одам савдоси, афсуски, фан-техника тараққиёти даври бўлмиш XXI асрда янада авж олди. Одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан биридир. Ҳудуд ва чегара танламайдиган ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб боришда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат миграцияси, ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб берди.

Одам савдосига қарши курашга қаратилган халқаро қонунчиликда ҳам, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳам одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ҳимоясини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йил 30 июль куни “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони имзоланди. Фармон билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Миллий комиссиянинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Фармон билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти таъсис этилди.

Миллий маърузачи одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги вазият ҳақида Президентга ҳар йили ахборот тақдим этади.

Бу иллат билан курашишда нафақат давлат идоралари, балки фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари бу масалада асосий вазифа сифатида аҳолининг одам савдоси жинояти ва оқибатлари ҳақида хабардорлигини оширишга, муаммонинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Маркази ва унинг Фарғона вилоят бўлинмаси томонидан USAID лойиҳаси асосида, Халқаро миграция ташкилоти раҳнамолигида Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги Туризм ва бизнес ҳамда Политехника касб-ҳунар коллежлари талабалари иштирокида, шу туманнинг “Софдил” маҳалласи ва Яккасарой туманидаги “Абдулла Қаҳҳор” номли маҳалла фаоллари ва аҳолиси билан йиғилишлар ўтказилди. “Оила” маркази бошқармаларининг ҳамкорлик ёрдамлари тадбирларнинг янада самарали ва таъсирли ўтишини таъминлади. Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Ёзёвон, Тошлоқ ва Қува туманларидан мингга яқин фуқароларга одам савдоси жинояти, ноқонуний меҳнат миграциянинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш берилди. Шунингдек, тадбир давомида ёшларга ва аҳолига ушбу масала юзасидан иллюстрацияларга бой буклетлар тарқатилди. Муҳими, бу буклетларда одам савдогарлари қурбонига айланмаслик, адашмаслик учун қандай идораларга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Бундай тадбирлар ёшлар ва аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди, жуда кўп саволлар ўз жавобини топди, муаммо бўлиб келаётган масалалар юзасидан маслаҳатлар берилди.

**Республика Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Маркази**

## Бўшатилган ходимга учинчи ойга ҳам
# ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНДИ

**ЧИЛОНЗОР туман адлия бўлимига Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълим устаси лавозимида ишлаган фуқаро Б.Иноятов мурожаат қилиб, ойлик иш ҳақи ундирилишида амалий ёрдам сўраган.**



Аниқланишича, коллеж ишлаб чиқариш таълим устаси Б.Иноятовга у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига мувофиқ, бекор қилиниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш хати жорий йил 20 майда берилган ва ходим билан тузилган меҳнат шартномаси 20 июлда бекор қилинган.

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ фуқаро Б.Иноятов туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан жорий йил 26 июлда "иш изловчи" сифатида рўйхатга олинган. Меҳнат кодекси, 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш келтирилган. Унга кўра, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради:

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони, штати ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги.

Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма равишда имзо чектириб огоҳлантириши шарт:

меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони, штати ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати, яъни 100-модда иккинчи қисмининг, 1-банди билан шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда, яъни 100-модда, иккинчи қисмининг 7-банди бекор қилинганда камида икки ой олдин.

Меҳнат кодексининг 67-моддасида, меҳнат шартномаси ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли, яъни 89-модданинг тўртинчи қисми ёки технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажминиг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги яъни, 100-модда, иккинчи қисмининг, 1-банди туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда, агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатилган ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойларидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Айнан шу асосларга кўра, Чилонзор туман адлия бўлими томонидан Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи маъмуриятига нисбатан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди ва ижроси назоратга олинди.

Кўрилган чоралар натижасида коллеж ишлаб чиқариш таълим устаси Б.Иноятовга учинчи ой учун ҳам жами 1 579 968 сўм тўлаб берилиши таъминланди.

**Суннатилла РАХМОНОВ,**
**Чилонзор туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси**

# ЙИҚИЛГАННИ СУЯШ, АДАШГАНГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ
## ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

**СИРДАРЁ вилояти адлия бошқармасида "Жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахсларни, муқим тураржойга эга бўлмаган шахсларни жамиятга ижтимоий интеграция қилишда ҳуқуқий саводхонликнинг ўрни" деб номланган тадбир ўтказилди.**



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Фахрийлар Кенгаши раиси ва аъзолари, вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари ҳамда жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган фуқаролар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар ҳақида тўхталиб, ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади бутун жамиятнинг куч ва имкониятларини халқимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш ҳамда шу орқали барча юртдошларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлашди.

— Аслида жиноят содир этган шахсларни фақат жазолаш эмас, балки "Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш учун барчамиз бирдек масъулмиз. Адлия вазирлигининг Фахрийлар Кенгаши томонидан амалга оширилаётган грант лойиҳаси доирасида Жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахсларни, муқим тураржойга эга бўлмаган шахсларнинг моддий ва маънавий аҳволи янада мустаҳкамланиши, уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларининг оширилишига ҳисса қўшиш мақсадида тадбир ташкил этилди. Мазкур тадбир Олий мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган маблағ ҳисобига амалга оширилди. Келгусида Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам мазкур тадбирни амалга ошириш режалаштирилган, — дейди Кенгаш раиси Эрмуҳаммад Шерматов.



Маълумот ўрнида, кейинги уч йилда юртимизда 7 марта афв эълон қилиниб, 3952 нафар шахс афв этилгани — халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик, кечиримлилик ва олижаноблик фазилатларининг яққол амалий ифодасидир. Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 28 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"**ги Фармони имзоланди.

Фармонга мувофиқ, Конституциямизнинг 93-моддасининг 23-бандига асосан афв этилган 65 нафар юртдошимиз сафида, содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган сирдарёликлар ҳам бор.

Тадбирда ҳаёт йўлларида адашиб, ҳозирги вақтда хатоларидан тўғри хулоса чиқарган фуқаролар ҳам сўзга чиқиб, жамият равнақига ҳисса қўшиш учун берилган бу имкониятдан унумли фойдаланишга қатъий қарор қилишганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш халқимизга хос одат. Бугунги тадбир ана шу жиҳатлари билан катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Тадбир ниҳоясида жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фахрийлар Кенгаши томонидан амалга оширилаётган грант лойиҳаси доирасида қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**Иномжон ҚУДРАТОВ,**
**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

# Ёшлар етакчисининг мурожаати қаноатлантирилди



ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан, Термиз тумани, Тинчлик маҳалласида яшовчи фуқаро Фируза Авазованинг Термиз туман 10-сонли умумий ўрта-таълим мактабида бошланғич ташкилот ёшлар етакчиси бўлиб ишлаб келаётганлиги ва ушбу ишлаш жараёнида ўқувчилари ва ўзи томонидан бир қатор ижобий ютуқларга эришиб келаётган бўлса-да, мактаб томонидан фуқаро Ф.Авазовага ҳомиладорлик туғуруқ таътили учун моддий ёрдам ва рағбат-мукофот пуллари берилмаётганлигидан норози бўлиб йўллаган шикояти ўрганиб чиқилди.

Фуқаро Ф.Авазова бир неча бор мактаб маъмуриятига ҳомиладорлик туғуруқ таътили учун моддий ёрдам ва рағбат-мукофот пулларини тўлаб беришни сўраб мурожаат этган бўлса-да, мактаб маъмурияти томонидан фуқаронинг мурожаатлари оқибатсиз қолдирилиб унга ҳомиладорлик туғуруқ таътили учун моддий ёрдам ва рағбат-мукофот пуллари берилмасдан келаётганлиги аниқланди ва туман адлия бўлимининг аралашуви билан фуқаро Ф.Авазовага 6 миллион 869 минг сўм миқдорида ҳомиладорлик туғуруқ таътили учун моддий ёрдам ва 1 миллион 660 минг 181 сўм миқдоридаги мактаб директори фондидан рағбат-мукофот пуллари ва 2 миллион 147 минг 556 сўм миқдоридаги меҳнат таътили ва иш ҳақлари билан жами ҳисобланганда тегишли ушланмалардан ташқари жами 17 миллион 402 минг 314 сўм миқдоридаги пул маблағи Ф.Авазовага туман халқ таълими орқали тўлиқ тўлаб берилишига эришилди ва фуқаронинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

**Баҳодир АШУРОВ,**
**Термиз туман адлия бўлими бошлиғи**

# Ҳокимга мажбурият юклатилди



ШОВОТ туман адлия бўлими томонидан фуқаро С.Сапарбаевнинг Моноқ маҳалласи, Дўстлик-3 кўчасида ўзбошимчалик билан қурилган тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш юзасидан қилган мурожаати рад этилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати кўриб чиқилди.

Аниқланишича, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман комиссияси аъзоси ҳисобланган Шовот туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2019 йил 11 майдаги хулосасида (бошқа барча комиссия аъзолари томонидан ижобий хулоса (маълумотнома) берилган) мазкур турар жой қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган суғориладиган экин ери тоифасига кирувчи ер участкасида жойлашганлиги кўрсатилиб, рад этилган.

Шунингдек, туман комиссияси раиси томонидан ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг ноқонуний хулосаси асос қилиниб, 2019 йил 14 майдаги далолатнома билан ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас, деб топилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2019 йил 11 майдаги хулосаси ва туман комиссияси раиси томонидан тасдиқланган далолатномани ғайриқонуний, деб топишган. Шовот тумани ҳокимига фуқаро С.Сапарбаевнинг Моноқ маҳалласи, Дўстлик-3 кўчасида ўзбошимчалик билан қурган тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мажбуриятини юклаш юзасидан туман адлия бўлими томонидан маъмурий судга даъво аризаси киритилди.

Шовот туман маъмурий суди томонидан мазкур ариза кўриб чиқилиб, комиссия томонидан тасдиқланган далолатнома ғайриқонуний эканлиги аниқланди. Шу боис туман ҳокимлигига фуқаро С.Сапарбаевнинг ўзбошимчалик билан қурган тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мажбурияти юклатилди.

**Нуриддин РАХИМОВ,**
**Шовот туман адлия бўлим бошлиғи**



“Биз овқат маҳали мобил телефондан фойдаланмаймиз, 14 ёшга қадар барча фарзандларимиз смартфонсиз улғайишган. Улар барча дўстларида қўл телефони борлигини айтиб, кўп маротаба шикоят қилишар эди”.

Билл Гейтс

# Жаҳоннинг энг бой кишилари

# ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИ ГАДЖЕТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

### “Фарзандларим 14 ёшгача қўлига гаджетларни олмаган”




“MICROSOFT” раҳбари, жаҳоннинг энг бой кишиси бўлган Билл Гейтс фарзандлари 14 ёшга кирмагунларига қадар уларга смартфондан фойдаланишларига рухсат бермаган. Унинг бу қоидасига бошқа таниқли IT-компания раҳбарлари ҳам амал қилишади ва фарзандларини электрон гаджетларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашга уринишади. Билл Гейтс: “Биз овқат маҳали мобил телефондан фойдаланмаймиз, 14 ёшга қадар барча фарзандларимиз смартфонсиз улғайишган. Улар барча дўстларида қўл телефони борлигини айтиб, кўп маротаба шикоят қилишар эди”. Фарзандларининг барчаси жаноб Гейтс томонидан ўрнатилган қоидага кўра тарбияланмоқда. “Ҳозир ҳам электроника воситаларидан фойдаланиш мумкин ҳамда чекланган вақт бор. Бу уларга ўз вақтида ухлаш ва соғлом бўлиб вояга етишларига ёрдам беради”, дейди Билл Гейтс.

### Самимий суҳбат телефон ва планшетдан яхши-ку!



Маълумки, Apple асосчиси Стив Жобснинг оила аъзолари энг юқори технологик ва замонавий гаджетлар билан “ўралган” бўлиши ҳамда қўлларидан ўта ингичка ва суперақлли техникани туширмасликлари керакдек туюлади. Бироқ ҳаммаси аксинча. Жобс ҳаётлигида фарзандларига iPad қурилмаларидан фойдаланишга рухсат бермаслигини тан олган. У болаларига жонли мулоқотни ўргатишга уринган, шу боис кечқурунлари оила биргаликда овқатланиш ва узоқ суҳбатлар билан вақт ўтказишга ҳаракат қилган. Унинг оиласида кечки пайтда ҳеч кимга планшет ҳамда компьютердан фойдаланишга рухсат берилмаган.

### Ўз боласини асраб қолмоқчи... Нимадан? Зарарли контент ва электрон кўнгилочар дастурдан!




3D Robotics компанияси раҳбари, дрон ихтирочиси Крис Андерсон ҳам юқоридаги инсонлардан ўрнак олиб, болаларининг гаджетлардан фойдаланишларини қаттиқ назорат остига олган. Криснинг фарзандлари смартфон ва планшетлар ишлатилишини минималлаштириш имконини берадиган қатъий қоидаларга риоя қиладилар.

Ишлаб чиқарувчининг айтишича, болалар тенгдошларининг ҳеч бири бу каби чекловларга чидашга мажбур эмаслигидан шикоят қилишади. Бироқ Андерсоннинг таъкидлашича, у шунчаки болаларнинг электроникага мойил бўлиб қолишига ҳамда уларнинг ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Шунингдек, ғамхўр отанинг айтишича, тармоқда унинг фарзандларини чекланмаган миқдордаги сўралмаган беандишалик ва аноними томонидан таҳқирлашлар кутмоқда. Андерсоннинг фикрича, зарарли контент ва электрон воситалардаги кўнгилочар дастурларга тобелик фарзандлар тарбияси ва истиқболига жиддий зарар етказади.

### Дик Костоло — “Twitter” собиқ бош директори ҳам ўз фарзандини назоратга олган




Дик болалари томонидан гаджетларни ишлатиш вақтини чекламасликка қарор қилган. Бунинг ўрнига у географик чекловларни ўрнатган. Костоло оиласи фарзандлари бундай электроникадан фақат меҳмонхонада фойдаланиши мумкин. Яъни, улар ётар чоғида планшетни ўзлари билан олиб кетишлари ёки овқатланиш пайтида телефонда “осилиб” қолишлари мумкин эмас.

### Бор-йўғи ярим соат вақт берилган




Алекс Константинопол — бизнес учун энг йирик IT-ҳамкорлардан бири саналган Оут Саст Агенсй директори ҳисобланади. Алекс ҳам гаджетларни ишлатиш борасида анчагина қаттиққўл она. Унинг кичик ўғлига ҳафтанинг иш кунларида бундай гаджетлардан фойдаланиш тақиқланган. Катта фарзандлар замонавий электроникадан кунига 30 дақиқадан ортиқ фойдалана олмайдилар.

### “...iPad ўрнига китоб ўқи!”

Эван Уильямс — “Twitter” ва Блоггер веб-сервисини яратиш билан шуғулланган. “Pyra Labs” компаниясининг асосчиси Эван ва унинг рафиқаси Саранинг икки нафар ўғли бор. Бироқ болаларнинг биронтасида ҳам ҳанузгача iPad йўқ. Бунинг ўрнига Уильямсларнинг уйида юзлаб китоблар тўлланган. Ишлаб чиқарувчининг айтишича: “Уйда минглаб китоблар бор. Истаганингизча ўқинг, мутолаага қаршилигим йўқ. Керакли маълумотни топиш ва бўш вақтда ҳордиқ чиқариш учун адабиётлар етарли!”.




### Жефф Безос, Amazon асосчиси, ва унинг собиқ рафиқаси, ёзувчи Маккензи Безос эса...

Бу жуфтлик болалар ва ўзларини ҳар томонлама ривожлантиришга интилишади. Улар биргаликда янги таомлар тайёрлашади, фермада жўжаларнинг тухумни очиб чиқиш жараёнини кузатишади, сингапурча дастур бўйича математика билан шуғулланишади, таълим клубларига боришади ва қўшни болалар билан спорт ўйинларини уюштиришади.




### Марк Цукерберг, “Facebook” асосчиси ва Присцилла Чан

Марк Цукерберг фарзандларини ўз ота-онасининг услубига кўра тарбия қилади. У болани жисмоний жазолаш мумкин эмас, ахир, болага ҳар доим нима яхши ва нима ёмонлигини тушунтиришнинг иложи бор, деб ҳисоблайди. У кичкинтойларни ўзларини муносиб тутишга ўргатади, чунки жамиятда амал қилиниши керак бўлган муайян чекловлар мавжуд.

Шунингдек, Марк ва Присцилла бола ҳар томонлама ривожланиши лозим, деб ҳисоблашади. Тўгарак, курслар бу – яхши, бироқ бола ўйнаши ҳам муҳим.




**Интернет материаллари асосида Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.**

### Озон қатлами — нима?

БУГУНГИ кунда дунёда кечаётган экологик ва иқлим ўзгаришлари даврида глобал муаммолардан бири — Озон қатламининг емирилиши ўта муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Даставвал озон қатлами нима эканлигини билиб олайлик! Умуман олганда, Озон — рангсиз, ўзига хос ўткир ҳидли газ. Атмосферанинг озон қатлами қуёшнинг инсоният учун, умуман, ер юзидаги барча ҳайвон ва наботот олами учун ўта зарарли бўлган ультрабинафша нурларини "тутиб" қолувчи асосий тўсиқ ҳисобланади. Атмосферада мавжуд бўлган озон миқдори 3 миллиард тоннадан иборат бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Озон жуда паст ҳароратда қотади ва эрийди. Ҳиди хлор ҳидига ўхшаш бўлиб, енгил парчаланувчи хусусиятга эга. Кислороднинг учта атом бирикувидан ташкил топган озон молекуласини дастлаб голландиялик физик Ван Марум аниқлаганлиги маълум.



# Озон қатлами нурланишдан асрайди



**ФАКТ**

Халқаро "Гринпис" ташкилоти маълумотига кўра, дунёда фреон ишлаб чиқариш улушининг энг кўпи АҚШга тўғри келади – 30,85 фоиз. Японияда 12,42, Буюк Британияда 8,62, Россияда 8 фоизни ташкил этади. Бу билан АҚШ тахминан 7 миллион километр квадрат, Япония 3 миллион километр квадрат ҳажмда озон қатламидан туйнук очганини ҳам халқаро ташкилот келтириб ўтган.

### Озон туйнуги қачон пайдо бўлди?

Инсон яшайдиган муҳитни ифлос қилмаслик, бундан бир неча асрлар олдин, 1382 йили Франгистон қироли Карл VI томонидан қонунлаштирилган ва ҳавога "ёмон ҳидли, кўнгил оздирадиган" тутун чиқарувчилар қаттиқ жазоланган.

Фанда озон туйнуги, деган тушунча ишлатила бошланди. Озон туйнуги даставвал 1985 йилда Антарктида устида пайдо бўлгани, кейинчалик Австралия томон силжиётгани, 1992 йилда эса Арктика устида кузатилгани айтилди. Тахминларга кўра, озон туйнуги антропоген (инсоният фаолияти билан боғлиқ) таъсирлар, шу жумладан, озон қатламини емирувчи хлорли совуткичлар (фреон)ни саноат ва турмушда кўплаб миқдорда ишлатиш натижасида пайдо бўлган.

Инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижасида сайёрамизни қуёш радиациясидан ҳимоя қиладиган ушбу табиий экран шиддат билан юпқалашиб бормоқда. Мазкур экологик муаммони ҳал этиш мақсадида 1985 йилда дунёнинг 147 мамлакати иштирокида Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинган эди. 1987 йил 16 сентябрда эса Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколи имзоланган.

Зеро, БМТ Бош Ассамблеяси 1994 йилнинг 19 декабрида қабул қилган махсус резолюциясига мувофиқ, 16 сентябрни озон қатламидан ҳимоя этиш халқаро куни, деб номлаган ва ҳар йили нишонланиб келинмоқда.

### Озон қатламини емирувчи воситалар

Озон қатламини емирувчи қандай воситалар мавжуд? Маълумки, баланд парвоз этувчи самолётлар ва космик кемалар ҳам шундай воситалар сирасига киради. Яъни, реактив двигателлар камерасидан ажраладиган юқори ҳарорат азот оксидланишига олиб келади. Оксидланган азотнинг атмосферага чиқиши озон қатлами учун зарарлидир.

Шунингдек, мутахассислар минерал ўғитлар ҳам озон қатламини емириши мумкинлиги борасида бонг уришмоқда.

Навбатдаги омил ядровий портлашлар. Маълумки, бундай портлашлар оқибатида 6 минг градусгача ҳарорат ҳосил бўлади. Портлаш оқибатида келиб чиқадиган нурланиш азот оксиди пайдо бўлишига ва бу бевосита озон қатлами емирилишига сабаб бўлиш эҳтимоли бор.

Зеро, электростанцияларнинг тутунли газлари ҳам азот оксиди ҳосил бўлишига мезон яратаркан. Демак, стратосферага жиддий зарар келтиради. Шуни унутмаслик керакки, озон емирилишида буғлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Энг ташвишли томони шундаки, космик кемалар, юқори товушли самолётлар парвози озон қатламига зарар келтиришини таъкидлашмоқда. Масалан, "Шаттл" авиакосмик тизимидаги битта парвоз 10 миллион тонна озон йўқотилишига олиб келаркан. Агар йилига 300 та шундай парвоз амалга оширилса, озон тўла йўқ қилиниши мумкин экан.

Ҳозирги кунда озон қатламини емирадиган моддалардан асосийси сифатида фреонни биламиз. Халқаро "Гринпис" ташкилоти маълумотига кўра, дунёда фреон ишлаб чиқариш улушининг энг кўпи АҚШга тўғри келади – 30,85 фоиз. Японияда 12,42, Буюк Британияда 8,62, Россияда 8 фоизни ташкил этади. Бу билан АҚШ тахминан 7 миллион километр квадрат, Япония 3 миллион километр квадрат ҳажмда озон қатламидан туйнук очганини ҳам халқаро ташкилот келтириб ўтган.

Бундан кўриниб турибдики, агар озон қатлами нобуд бўлса ер куррасидаги ҳаёт ҳам ўртадан йўқ бўлади ва инсоният аждоди, ўсимликлар ва жониворлар қисқа бир муддат давомида афсусланарли даражада инқирозга учрайди.

### Хавф мавжудми?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти озон қатламининг емирилиши саратон хасталикларининг ортиши, кўз катарактаси шаклланиши, ўсимликлар фотосинтези бузилишига олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантириб, бонг урмоқда. Озон концентрацияси 1 фоизга камайганда, Ер қобиғи 15 фоиз нурланади. БМТнинг расмий маълумотига кўра, озон концентрацияси 1 фоизга камайганда дунёда 100 мингдан зиёд киши кўз катарактаси билан хасталаниши мумкин. Тери саратони билан боғлиқ 10 мингдан зиёд ҳодиса қайд этилиши хавфи пайдо бўлади.

### Ўзбекистон ташаббуси

Озон қатламини муҳофаза қилиш масалалари мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мустақиллик йилларида давлатимиз белгилаган стратегик мақсадларга эришишда иқтисодимизнинг моддий асоси бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир муносабатларни тартибга солувчи экологик қонунларни қабул қилиш, уни такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида 30 дан зиёд экологик қонунлар ва 1000 га яқин қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, улар атмосфера, озон қатламини муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришларига оид муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, Президентимиз ташаббуси билан амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган "2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси", ҳам мазкур соҳада алоҳида аҳамият касб этади.

### Озонни муҳофаза қилиш йўлида

Ўзбекистонда Озон қатламига хавф солувчи моддаларни қайта ишловчи бешта марказ иш бошлади. Улар турли саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший техникаларда ишлатиладиган хавфли моддаларни қайта ишлаб, фойдаланишга топширилган ва 125 корхонага озон қатламини емирувчи моддаларни камайтирадиган ускуна ўрнатилган. Ўзбекистон 1993 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреал протоколига қўшилган.

Ўзбекистонда озонни емирувчи моддалар ва таркибида шундай моддалар мавжуд маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишни лицензиялаштириш тизими жорий этилган бўлиб, шундай моддаларнинг айрим турлари истеъмолдан тўлиқ чиқарилган ва улардан фойдаланиш 218,3 метр тоннага камайтирилган. Бундан ташқари, мамлакатимизга ноқонуний равишда олиб кирилган 328 килограмм озонни емирувчи модда йўқ қилинган. Экологик хавфсиз пропандан хладагент сифатида кўпроқ фойдаланилмоқда.

— Айни пайтда Ўзбекистонда озонни емирувчи моддаларнинг 99,95 фоизи муомаладан чиқарилди, — дейди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси ва БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. Бу кўрсаткич белгиланган жадвалдан анча олдинда ва Ўзбекистоннинг озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги ушбу муваффақиятлари бошқа давлатлар учун ўрнак бўлиши керак, деб баҳолайди.

Масалан: Самарқанд вилоятида ҳам озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли вазифалар амалга оширилмоқда. Қисқа вақтда 176 та давлат ва хусусий корхоналарда мониторинг ўтказилиб, уларга зарур тавсиялар берилди. 98 та корхонага эса халқаро лойиҳа асосида ишлаш тавсия этилди. 800 нафар мутахассис ва техник ходимлар қайта ўқитилиб, малакаси оширилди. Мақсад жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётган Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий меъёрларга бирдек амал қилиш баробарида фарзандларимиз ва келажак авлод учун тоза ҳаво, мусаффо осмон ва беғубор ҳаётни таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан "Ўзбекистонда озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастур" ва бошқа эътиборга молик тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

### Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги пайтда озон қатламининг емирилиши деярли тўхтади, деб айтиш қийин.

— Зеро, маълум бир минтақаларда озон қатламини тикланиб борилаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан олиб борилган якдил ва изчил сиёсатнинг ижобий натижаси, деб қараш;

— Келажакда Озон қатламини ҳуқуқий муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Озонни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш;

— Озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш миллий дастурларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда иқлим ўзгаришининг олдини олишга доир қабул қилинаётган барча қонун, фармон ва қарорларни халқимизга кенгроқ тушунтириш, экологик барқарорликни сақлаш, инсон ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

**Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети "Экология ва аграр ҳуқуқи" кафедраси профессори, юридик фанлар доктори**

# Жарима тўлаш
# МУАММОГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

**ДУНЁ давлатлари орасида Сингапур коррупцияга қарши курашишда муҳим натижаларга эришаётган давлат сифатида эътироф этилади. Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг бош ғояси коррупциявий жиноят субъектларига коррупциявий ҳаракатларни содир этиш имконияти ва манфаат яратувчи ҳолатлар ҳамда шароитларни бартараф қилиш ҳисобланади. Давлат хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслар билан юзма-юз мулоқотга киришмаслик принципига таянилади. Сингапурда оддий фирмани давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб, то экспорт операцияларини амалга ошириш учун талаб этиладиган тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгача фақат электрон тарзда амалга оширилади.**

Сингапурда айнан коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича махсус бюро ташкил этилган бўлиб, ушбу орган сиёсий ва функционал жиҳатдан мутлақо мустақил ҳисобланади. Мазкур органнинг коррупцияга қарши курашишдаги асосий вазифалари сирасига давлат ва хусусий секторда коррупциявий жиноятларни тергов қилиш ва олдини олиш ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур орган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларида мансаб ваколатидан ноқонуний фойдаланиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларини текшириб, тўпланган ҳужжатларни тегишли чоралар кўриш учун мутасадди ташкилотларга юборади.

Коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюросига директор раҳбарлик қилади. Бюро директори "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги қонунга биноан Президент томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Шунингдек, Президент коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюроси директорининг биринчи ўринбосарини, ўринбосарларини ва махсус терговчиларни тайинлаши мумкин.

Сингапурда коррупцияга қарши кураш бўйича асосий қонун "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади. Бу коррупциявий қонунбузарликлари ва коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича махсус бюро бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатларини белгилаб беради.

Бундан ташқари, "Коррупция, наркотик моддаларни ноқонуний айланиши ва бошқа жиддий жиноятлар (фойдаларни мусодара қилиш) тўғрисида"ги қонун ҳам мавжуд бўлиб, унда коррупцияда айбланган шахсдан маблағларни тортиб олиш ва мусодара қилишни назарда тутади.

"Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги қонунга биноан коррупцияга қарши кураш бўйича тергов ходимларининг тергов ваколатларини кенгайтириш, коррупция учун жазоларни кучайтириш ва жиноятчилар томонидан эксплуатация қилинишининг олдини олиш учун бўшлиқларни тўлдириш мақсадида кўплаб ўзгартиришлар киритилган.

Сингапурнинг "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги қонуни бошқа давлатларда коррупцияга қарши кураш бўйича мавжуд бўлган қонунлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

Биринчидан, "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонунга биноан Коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича махсус бюроси ҳам давлат, ҳам хусусий секторда коррупцияни олдини олиш ва текширишга ваколатли ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда коррупцияга қарши курашни амалга оширадиган органлар хусусий секторда содир этиладиган коррупциявий жиноятлар билан шуғулланмайди.

Иккинчидан, коррупция презумпцияси қоидаларининг мавжудлиги, яъни давлат хизматчиси пора олганлиги аниқланганида коррупция презумпцияси қўлланилади. Бунинг маъноси шуки, судда айбланган давлат хизматчисига судга у олган предметининг пора предмети сифатида қабул қилинмаганлигини тушунтириш мажбурияти бор. Агар айбдор шахс судга олган предмети пора предмети сифатида қабул қилинмаганлигини тушунтирмаса, у пора олган деб тахмин қилинади.

Учинчидан, Қонунга биноан судга пора олувчилардан жарималар ва (ёки) озодликдан маҳрум қилиш шаклида жазодан ташқари олинган пора миқдорига тенг жарима тўлаш тарикасидаги қўшимча жазо тайинлаш ҳуқуқи берилган. Бунда айбдор шахс томонидан қанча миқдорда пора олган бўлса, унга асосий жазодан ташқари олган пора миқдорига тенг миқдорда жарима тўлаш тарикасидаги қўшимча жазо тайинлади. Бу айбланувчи ҳар қандай коррупцион фаолиятдан фойда кўрмаслиги керак, деган тамойилни назарда тутади.

Хулоса ўрнида Сингапур Республикасининг коррупцияга қарши фаолиятининг қуйидаги жиҳатларини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш таклиф этилади:

— коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органи ташкил этиш;

— олинган пора миқдорига тенг жарима тўлаш тизимини жорий этиш (Суд тизимида қўллаш орқали);

— давлат хизматчисининг олаётган даромадлари ва мулклари ҳақида йиллик декларация тўлдириб бориш.

**Комил АБДУЛЛАЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.09.2018 йилда 635573-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзе, 5-уй, 18-хонадон манзилида жойлашган "NARGIZ BIZNES BOOK" хусусий корхонаси таъсисчисининг 2019 йил 15 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (99) 816-84-29 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 746 641.

***

Яккасарой туман Давлат хизматлари маркази томонидан 08.18.2015 йилда Бухоро шаҳри, А.Жомий кўчаси, 5-корпус, 60-уй манзилида №008668-11 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "MINOR GOLD" хусусий корхонаси 2019 йил 9 сентябрдаги қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида корхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТИР: 303 384 518.

***

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 04.07.2017 йилда Учтепа тумани, Ибрат кўчаси, 68-уй манзилида №504217 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "YAHNA SERVIS" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 9 сентябрдаги қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида корхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТИР: 304 807 787.

***

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 11.01.2019 йилда Шайхонтоҳур тумани, Себзор кўчаси, 7-уй манзилида №665347 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "KS DEALER" хусусий корхонаси 2019 йил 10 сентябрдаги қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида корхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТИР: 305 970 816.

***

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 27 августдаги 317-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "YURISTLAR HIMOYASI" адвокатлик фирмаси ва адвокат Раджабов Азиз Амриллоевич ўртасида адвокатлик тузилмаси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13¹-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

***

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бошқарманинг Самарқанд шаҳридаги "TAFAKKUR ADVOKAT" адвокатлик фирмаси адвокати Гафурова Раъно Шакировна номига 2018 йил 28 декабрда берилган SA 000333-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 3 ой муддатга тўхтатилди.

***

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 21.06.2017 йилда 520352 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фидойилар кўчаси, 28 А-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "ATELIER DU FRANCAIS EVIS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304 955 256) таъсисчисининг 2019 йил 7 сентябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (94) 679-53-17.

***

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 23.11.2018 йилда 652183 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "DIGITAL INTEGRO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305 871 234) таъсисчисининг 2019 йил 4 сентябрдаги 6-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 148-00-73.

***

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 27.05.2019 йилда 727520 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Саракўл кўчаси, 2,4 А-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "BLUE ROSE LEGACY" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 456 163) таъсисчисининг 2019 йил 11 сентябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 480-40-24.

***

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 09.06.2006 йилда 001566-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Банокатий кўчаси, 186/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "INTEGROS TEX" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 206 644 637) таъсисчисининг 2019 йил 10 сентябрдаги 47-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (98) 364-09-90.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.07.2017 йилда 532015-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Тўқимачи кўчаси, 20-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "ABDULAZIZ-IBROHIM FAYZ" оилавий корхонаси (СТИР 304 985 077) таъсисчиларининг 2019 йил 9 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш баённомасига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 890-87-38.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари маркази томонидан 22.08.2017 йилда 539061-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ю.Саккокий кўчаси, 79-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "BEST MASTER" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305 315 550) таъсисчиларининг 2019 йил 10 сентябрдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 464-62-00.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари маркази томонидан 04.02.2019 йилда 680151-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси, ТХАЙ ва Бўзсув канали оралиғидаги "O'rikzor Savdo Kompleksi" МЧЖ ҳудудидаги 7-павилион, 10-дўкон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "DIYORBEK DELUX" хусусий корхонаси (СТИР 306 086 695) таъсисчисининг 2019 йил 9 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 714-92-92.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари маркази томонидан 04.02.2019 йилда 680213-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси, ТХАЙ "Oziq-ovqat standart karton" ОК Стройгород савдо мажмуаси 1-блок, 2-қават, 152-дўкон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "MAQSUD HOJI OTA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 306 087 117) таъсисчисининг 2019 йил 9 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (98) 126-58-44.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари маркази томонидан 15.05.2019 йилда 722926-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Г9А-мавзе, 2-уй, 4-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "EROTIME" хусусий корхонаси (СТИР 306 422 539) таъсисчисининг 2019 йил 13 сентябрдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 990-22-34.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643003-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV VESTA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 104.

***

Мирзо Улуғбек туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 21.04.2014 йилда 008936-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 18-уй, 23-хонадон манзилида жойлашган "CHEVAR EKSPORT" масъулияти чекланган жамият таъсисчисининг 2019 йил 23 августдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (98) 303-98-58 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 302 923 369.

***

Мирзо Улуғбек туман "Ягона дарча" маркази томонидан 10.08.2017 йилда 536946-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Турк Арик кўчаси, 82-уй манзилида жойлашган "MARTLET" масъулияти чекланган жамият таъсисчиларининг 2019 йил 12 сентябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (97) 710-93-53 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 018 043.

***

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 23 августдаги 154-ум-сонли буйруғига асосан Тошев Шерали Суннатовичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги маълум қилинади.

***

Мирзо Улуғбек туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 07.07.2005 йилда 1280-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6, 16-уй, 73-хонадон манзилида жойлашган "BEAUTY-KOLOR" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2019 йил 10 сентябрдаги баённомасига асосан тугатилади.
Даъволар (98) 312-04-01 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 205 744 244.

***

Мирзо Улуғбек туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 19.10.2015 йилда 010170-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, С.Ярославская кўчаси 12-уй, 11-хонадон манзилида жойлашган "ZEBO SHOES" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2019 йил 9 сентябрдаги 1-сонли баённомасига асосан тугатилади.
Даъволар (97) 700-74-55 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 303 472 985.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643010-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV ALISA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 174.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643011-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV VIRTUS" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 174.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643012-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV NEMEZIDA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 182.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643012-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV NEMEZIDA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 199.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643012-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV VESTA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 104.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643013-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV SVETLANA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 207.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643007-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV NADEJDA-Z" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 135.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643008-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV NIKA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 150.

***

Мирзо Улуғбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.10.2018 йилда 643006-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "ISTV VICTORIA" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (71) 263-65-04 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 305 803 128.

***

Мирзо Улуғбек туман "Ягона дарча" маркази томонидан 10.02.2017 йилда 011590-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Қодирова кўчаси, 4-уй, 9-хонадон манзилида жойлашган "MASTUR-XUDOYORXON" масъулияти чекланган жамият таъсисчисининг 2019 йил 11 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.
Даъволар (97) 778-85-57 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИНН: 304 637 857.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзад Миржалилович
Тожиев Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулҳаё Нурметова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 9980
Буюртма — V-3765
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 23:45

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

MIKROKREDITBANK

**“Микрокредитбанк” АТБ Навоий вилояти минтақавий филиали фуқаролар учун “Микрокредитбанк” АТБ томонидан миллий валютадаги депозитлар турлари ва улар бўйича қуйидаги фоиз ставкаларини тақдим этади.**

| Омонат (депозит) номи | Депозит тури | Муддати | Йиллик фоиз ставкаси | | Бошланғич бадал | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Банкка келиб | MKB-online | Банкка келиб | MKB-online |
| **Барқарор** | Муддатли | 12, 24 ва 36 ой муддатга | 20,0 | 21,0 | 5 000 000 сўм | 1 000 000 сўм |
| **Муҳташам** | Муддатли | 24 ой муддатга | йўқ | 22,0 | йўқ | 1 000 000 сўм |

***Изоҳ****

*“Барқарор” омонатга нақд пулда ва пластик карточкалар орқали маблағлар қабул қилинади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади, яъни жамғариб борилади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. Фоиз суммаси олинмаса, омонатга қўшилиб борилади (капитализация қилинмайди).*

*“Муҳташам” Ушбу омонат тури МКВ mobile иловаси орқали ишга туширилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади, яъни жамғариб борилади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади. Агарда омонатчи томонидан қўйилган пул маблағларни муддатидан олдин тўлиғича қайтариб олинганда, қуйидаги тартибда фоизлар ҳисобланиб тўлаб берилади. 3 ойгача муддатлар учун талаб қилиб олингунча омонат тури учун белгиланган фоиз, 3 ойдан ва 24 ойгача муддатлар учун йиллик 18 фоиз.*

Мурожаат учун телефон: (79) 223-87-04. Хизматлар лицензияланган.

## СЎХЛИКЛАРГА ТУҲФА



СЎХ. Бу — нафақат Фарғона вилоятининг, балки республикамизнинг ҳам энг олис, асосийси, қўшни Қирғизистон Республикасининг ҳудудида жойлашган анклав туманидир. Бундан икки-уч йил аввал Сўхда аҳолига қулайликлар яратилган бирор бино қуриш у ёқда турсин, ҳатто туманга бориб-келишнинг ўзи бир муаммо эди. Йўл азоби, божхона ва чегара постларидаги узундан-узоқ навбатлар, дилхираликлар аҳолининг тинкасини қуритганди. Бугун эса Президентимиз ташаббуси билан қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар йўлга қўйилгани туфайли сўхликларнинг ҳам елкасига офтоб тегди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик шодиёнаси арафасида Сўх туман Давлат хизматлари маркази янги биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу янгиликларуислоҳотлар самарасидир. Вилоят ва туман ҳокимликлари, Агентликнинг Фарғона вилоят бошқармаси ҳамда бошқа дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигида бунёд этилган мазкур марказда барча қулайликлар мужассам. Электрон навбат, инфокиоск, кутиш зали, болалар майдончаси ташкил этилган. Марказ бир вақтнинг ўзида 30 нафар, бир кунда эса 400 нафар фуқарога хизмат кўрсата олади.

— Бинога кирсангиз, марказ директори ёки масъул ходим табассум билан фуқароларни қарши олиб, мурожаат мазмунига кўра, тегишли ойналарга, яъни ходимларга йўналтиради. Бежирим ва бетакрор дизайнда жиҳозланган залда 3 та монитор мавжуд. Уларда фуқаролар учун 130 дан ортиқ давлат хизмати турлари юзасидан маълумотлар тақдим этилган, — дейди Давлат хизматлари Агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Раънохон Бойқўзиева биз билан суҳбатда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, марказ биносида тадбиркорлар учун Бош вазир қабулхонаси ҳам иш бошлади. Энг муҳими, айни байрам туҳфасидан сўхликларнинг боши осмонда.

Бугунги кун талаблари асосида қурилиб, замонавий тарзда жиҳозланган худди шундай марказ бинолари вилоятнинг Риштон ва Бувайда туманларида ҳам фойдаланишга топширилди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**2020 йил учун таянч докторантура ва докторантура институтларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:**

| | | |
|---|---|---|
| 12.00.01 | Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. | 1 та PhD |
| 12.00.03 | Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ. | 1 та PhD |
| 12.00.08 | Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. | 1 та DSc |
| 12.00.09 | Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. | 1 та PhD |
| **Жами:** | | 4 та PhD<br>1 та DSc |

**Ҳужжатлар 2019 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади**

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига Таянч докторант сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

- магистр даражасига, олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

**Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига докторант сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

**Докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар Коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

## МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК

**2020 йил учун мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:**

| | |
|---|---|
| 12.00.01 | Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. |
| 12.00.02 | Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи. |
| 12.00.03 | Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ. |
| 12.00.04 | Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация. |
| 12.00.05 | Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. |
| 12.00.06 | Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ. |
| 12.00.07 | Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура. |
| 12.00.08 | Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. |
| 12.00.09 | Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. |

**Ҳужжатлар 2019 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади**

**Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:**

- магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;
- белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар;
- камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажи ёки муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олганидан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

**Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан ОТМ ёки ИТМга мурожаат қилади:**

- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Талабгорлар мустақил изланувчиликка ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35 уй, ТДЮУ, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш бўлими.

Тел.: 233-66-36. Ички: (1042, 1043)

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сон қарорига асосан эндиликда талабгорлар ОТМ ёки ИТМ раҳбарининг ҳар чоракда 5 март, 5 июнь, 5 сентябрь ва 5 декабргача эълон қилинадиган буйруғи билан мустақил изланувчиликка расмийлаштириладилар.